Ушбу сонда:
2 КАСАБА УЮШМАЛАРИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА
3 БЎЗСУВ СОҲИЛИДАГИ ЗИЁРАТГОҲ
8 ЮРТ КЎРКИГА КЎРК БАҒИШЛАБ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 31 август, чоршанба № 144-145 (1986)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЯНГИ ИНШООТЛАР ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Юртимизда байрамлар муносабати билан замонавий корхоналар, турар-жойлар, коллеж ва лицейлар, тиббиёт муассасалари, равон йўллар, кўприклар, боғ ва хиёбонлар бунёд этиш яхши анъанага айланган. Мустақилликнинг 14 йиллиги арафасида хам бир қатор янги корхона ва иншоотлар фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимиз тўқимачилик саноатида таркибий ўзгаришлар, техник модернизация ва корхоналарни қайта жиҳозлаш ишлари изчил давом этмоқда. Янги қувватлар ишга туширилянти, соҳага хорижий инвестициялар фаол жалб қилиняпти.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз олдидан Тошкент шаҳрида «Байтекс тижарет» хорижий корхонаси ишга тушди. Трикотаж мато тўқиш, бўяш, пардозлаш, тикувчилик каби цехларни ўзида жамлаган мазкур корхона Туркиянинг «Улташ Энтегре текстиль» ва «Баха текстиль» фирмалари томонидан таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 август куни «Байтекс тижарет» корхонасида бўлиб, унинг фаолияти, иш жараёнлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари «Байтекс тижарет» хорижий корхонаси бош директори Этхем Халук Баятли, туркиялик бошқа тадбиркорлар, мутахассислар билан мулоқот чоғида тарихи, дини, тили бир ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кучайтириш иқтисодий алоқаларда муҳим омил эканини таъкидлади. Шу маънода, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган корхоналар сони яна биттага кўпайгани эътиборга молик.

«Байтекс тижарет» корхонаси биринчи босқичи лойиҳасининг умумий қиймати 25 миллион АҚШ долларига тенг. Ишлаб чиқариш қуввати кунига 15 тонна трикотаж газлама тўқиш, 50-60 тонна газламани пардозлаш ва бўяш, 100 тонна матони қуритиш, 45 минг дона трикотаж маҳсулот бичиш-тикиш имкониятига эга.

Мутахассисларнинг фикрича, бу ерда ишлаб чиқариладиган калавалар, газламалар, тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари, тайёр либослар жуда рақобатбардош. Шу боис корхона мижозлари сафида Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШ фирмалари, шунингдек, «Маркс энд Спенсер», «Вол Март», «Чибо» каби трансмиллий компаниялар бор.

Бу ерда 800 нафар ҳамюртимиз - малакали мутахассислар иш билан таъминланган. Йилнинг охирида лойиҳанинг иккинчи босқичи амалга оширилганидан сўнг иш ўринлари сони икки баравар кўпаяди.

- Ушбу янги корхонанинг катта келажаги бор, - деди Президентимиз. - Чунки корхона учун зарур хомашё - пахта юртимизда етиштирилади. Уни узоққа ташиш ва ортиқча харажат сарфлашнинг ҳожати йўқ. Бундай омиллар, табиийки, маҳсулот таннархига ижобий таъсир кўрсатади. Шундай экан, корхона ишлаб чиқарадиган арзон ва сифатли маҳсулотларнинг харидорлари кўпайиши тайин.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу корхона атрофида зарур инфратузилмаларни шакллантириш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрининг Эски Жува қисмида қуриб битказилган янги иншоотлар билан ҳам танишди.

Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимизнинг Эски шаҳар ҳудудида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари кўзни қувонтиради.

Пастқам иморатлар ўрнини замонавий турар-жойлар, тангу тор, паст-баланд кўчалар ўрнини кенг ва равон йўллар, кўприклар эгаллади. Бу ерда аҳолига хизмат кўрсатадиган янги ижтимоий объектлар барпо қилинди, қўшимча иш ўринлари яратилди. Шаҳар марказида жойлашганига қарамай, муҳим транспорт, тегишли коммуникация тармоқларига эга бўлмаган Эски шаҳар бугунги кунда турли мавзе ва даҳаларни бир-бирига боғлайдиган фаол чорраҳага айланди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Эски шаҳар ҳудудида олиб борилган улкан яратувчанлик ишлари билан танишаркан, бундай ишларни қисқа муддатда амалга оширган бунёдкорлар меҳнатини юқори баҳолади.

Уч-тўрт ой муқаддам Эски Жуванинг Сағбон, Зарқайнар ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган жойида икки бино - Болалар бадиий ижодиёти уйи ва Ўзбек либослари галереяси барпо этишга киришилган эди. Қисқа фурсатда бир-биридан гўзал икки иншоот қад ростлади. Кўчалар, йўллар кенгайтирилиб, транспорт ҳаракати яхшиланди.

Болалар бадиий ижодиёти уйида бир йўла 200 нафаргача ўқувчи шуғулланиши мумкин. Ундан кўргазмалар зали, кутубхона, ёш шоирлар, журналистлар ҳамда шахмат клублари, компьютер синфи, бадиий кашта ва зардўзлик, шунингдек, миниатюра тўгараги, тасвирий санъат студияси, мажлислар зали ўрин олган. Бинонинг томидаги Томоша майдончаси шаҳримиз манзарасидан завқланиш имконини беради.

Президентимиз мазкур иншоотга яқин ҳудудларда жойлашган бинолар ҳам ўзаро уйғунлик касб этиши лозимлигига эътиборни қаратди. Мана шундай улкан иншоотларни бунёд этганимиз ва бундан фахру ифтихор ҳисларини туйганимиз яхши, деди Ислом Каримов. Бироқ уларни асраб-авайлашни, қадрига етишни ҳам унутмаслигимиз лозим.

Абдулла Қодирий номи билан аталувчи боғ ҳам болаларнинг севимли гўшаларидан бирига айланиши шубҳасиз. Унга замонавий аттракционлар ўрнатилди. Иккита амфитеатр пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларининг севимли гўшаларидан бирига айланиши аниқ.

Ўзбек либослари галереяси билан танишаркан, Президентимиз мазкур бинонинг замонавий, шу билан бирга, анъанавий услублар асосида бунёд этилганини юқори баҳолади. Улкан зал, намойиш майдончалари ва дам олиш хоналаридан иборат маҳобатли бинода мамлакатимиз енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган либослар ва газламалар намойиш этилади.

Бинобарин, бундай гўзал иншоотлар ҳамюртларимиз ҳаётининг янада фаровонлашувига, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етишига хизмат қилади.

Ғулом МИРЗО,
Норали ОЧИЛОВ, ЎзА мухбирлари

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини миллий байрам - Мустақиллик куни муносабати билан Озарбойжон халқи ва шахсан ўз номимдан самимий муборакбод этаман.

Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик чуқур тарихий илдизларга эга бўлиб, бугунги кунда давлатлараро муносабатларимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланган. Ишончим комилки, икки томонлама алоқаларимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, минтақавий ва халқаро тузилмаларда бир-биримизни қўллаб-қувватлаш бундан буён ҳам халқларимиз манфаатлари, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлик ишига хизмат қилаверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, ушбу шонли кунда Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, тотувлик ва тараққиёт тилайман.

Эҳтиром ила,

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбойжон Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси миллий байрами - Мустақиллик эълон қилинган кун муносабати билан чин юрақдан ғоят самимий қутловларимизни қабул қилгайсиз.

Молдова Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатлари мамлакатларимиз халқларининг манфаатлари ва фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам янада ривож топиб, чуқурлашиб бораверади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда барча интилишларингиз рўёбга чиқишида улкан муваффақиятлар, дўст ўзбек халқига эса тинчлик, эзгулик ва омонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Владимир ВОРОНИН,
Молдова Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Исроил халқи ҳамда шахсан ўз номимдан эзгу тилаклар ва чин дилдан қутловлар йўллаш шарафига муяссарман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, шахсан Сизга энг яхши истакларимни изҳор этаман, Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва равнақ тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Самимият ила,

Моше КАЦАВ,
Исроил Давлати Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни миллий байрам - Мустақиллик куни муносабати билан Қозоғистон халқи ва шахсан ўз номимдан муборакбод этаман.

Катта мамнуният билан таъкидлашим жоизки, тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида муҳим ютуқларга эришди.

Ишончим комилки, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида муштарак тарихий ва маданий илдизларга асосланган мавжуд дўстона ва яхши қўшничилик муносабатлари халқларимиз фаровонлиги, минтақада тинчлик ва барқарорлик манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривож топиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ, битмас-туганмас ҳаётий ғайрат-шижоат ва фаолиятингизда муваффақиятлар, биродар ўзбек халқига эса тинчлик-омонлик ва равнақ тилайман.

Самимий эҳтиром ила,

Нурсултон НАЗАРБОЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Мирза-Улуғбек Элчиевич Абдусаломов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси вазифасидан озод қилинсин.
2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари

Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри,
2005 йил 27 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:

Алиқул Гаппарович Бобоқулов
Собиржон Абдуллаевич Исмоилов
Халилилло Собиржонович Тўрахўжаев
Боқижон Бақоевич Яҳёев.

2. Қуйидагилар:

Жамила Шариповна Мавлянова бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан;

Бахриддин Азимович Наимов ваколат муддати тугаганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

3. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари

Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри,
2005 йил 27 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар:

Мурот Каримович Азимов ваколат муддати тугаганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари вазифасидан;

Исмоил Комилович Солиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари

Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри,
2005 йил 27 август

ЗАМОНАВИЙ СПОРТ МАЖМУАСИ

Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Яккабоғ туманидаги Эски Яккабоғ қўрғонида 200 ўринли замонавий болалар спорти мажмуаси фойдаланишга топширилди. Уни Китоб туманидаги «Коратоғ» ишлаб чиқариш корхонаси бунёдкорлари қуриб битказди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар бу ерда болалар учун спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, бадиий гимнастика сингари ўнга яқин тури билан шуғулланиш имконияти яратилганидан мамнуният изҳор этдилар.

- Мажмуадаги спорт зали ва тиббиёт хоналари шаҳардагидан қолишмайди, - дейди маросимда қатнашган Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов. - Айниқса, ногиронлар аравачаларининг ҳаракатланиши учун қулайликлар яратилгани ғоят хайрли иш бўлибди. Бу ногирон болаларнинг ҳам спорт билан шуғулланишига имкон беради.

Болалар спорти мажмуасининг очилишида Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиблари

ЁРУҒ ЖАҲОНИМ МЕНИНГ

Учқўрғонда Абдувахоб деган узоқ йиллик кадрдоним яшайди. Кирк йилга якин ўқитувчилик килган. Хозир гарчи нафакада бўлса-да, мактабдан кетмаган. Ўн йилча олдин учратганимда у отасининг кўзи ожизланиб колганини айтган эди.

«Роса дўхтирларга кўрсатдим, фойдаси тегмади» деганди ўшанда. Охири отаси «Қўй овора бўлаверма, бу кексалик касри саксон йил дунёни кўрдим, етар» депти.

Яқинда шу дўстимни хурсанд ҳолда учратдим.

– Суюнчини чўза беринг, отамнинг кўзлари очилди, - деди кучоқларини очиб. – Вилоятда Муҳиддин Агаликов деган дўхтир бор экан. Жарроҳлик усули билан отамнинг кўзларини очиб қўйди. Шифо шундоқкина вилоятимизнинг ўзгинасида экану мен Тошкентни мўлжаллаб юрибман-а!

Уни эшитяпман-у, бир ҳафтагина олдин маҳаллий газетада Косонсой туманида яшовчи серфарзанд деҳқоннинг унинг номига билдирган дил сўзлари хотирамда жонланди. Унда косонсойлик деҳқон сал бўлмаса бир кўзидан айрилиб қолган қизини жарроҳлик йўли билан тузатганлиги учун ҳаким номига миннатдорчилик изҳор этган эди.

Мен жарроҳни кўрганимда ҳар икки воқеани суриштирдим.

– Аввало, гапни косонсойлик ўқувчи қиздан бошласак, - деди Муҳиддин саволимга жавоб қайтарар экан. – Қизимиз уйида юмуш билан юрганида фалокат туфайли дарахт шохига илиниб қолган сим кўз олмасини бураб, аянчли ҳолатга солиб қўйган ва унинг пардасига жиддий зарар етказган. Кўз кўриш қобилиятини йўқотган. Биз шифохонамизнинг етук мутахассислари Адолатхон Қодирова, Маликахон Турғуновалар билан маслаҳатлашиб, пластик жарроҳлик амалиётини қўллашни лозим топдик. Бу ишни амалга оширишда ҳамширалардан Нодирахон Охунова ва Феруза Йўлдошеваларнинг ҳам хизматлари катта бўлди. Биринчи навбатда кўз олмасини узулган мускулларини қайтадан тикладик ва янгидан ўз ҳолатига келтирдик. Қарабсизки, кўз бутунлай асл кўринишига қайтди. Ҳозирда жарроҳлик излари асло билинмайдиган ҳолатга келди.

– Учқўрғонлик Валижон ота масаласида айтадиган бўлсак, - давом этди суҳбатдошим. – Бемор катаракта касаллигининг оғирроқ шаклига чалинган. Бунда кўз гавҳари лойқаланади ва оқибатда касаллик кучайиб кўз ожизланиб қолади. Беморда замонавий микрожарроҳлик ўтказилиб, кўзига сунъий гавҳар қўйилди. Натижада отага бемалол кўриш қобилияти қайтарилди.

... Андижон тиббиёт институтини битирган Муҳиддин иш бошлаган илк кунлариданоқ соҳада ўзини кўрсатди. Аҳлоқ-одоби, камтарлиги ва меҳнаткашлиги, ўз устида тинимсиз ишлашдан эринмаслиги, беморларга энг яқин кишисидек самимий ва дўстона муносабати билан ҳурмат-эътибор топди. Шу билан бир қаторда ташкилотчилик, барчага ўртоқларча муносабати билан обрў қозонди. Ундаги ана шу фазилатларни ҳисобга олиб 1987 йилда Наманган вилояти кўз касалликлар шифохонаси бош ҳакимлиги вазифасига тайинлашди.

Муҳиддин чорак асрдан зиёдроқ фаолиятида Санкт-Петербург, Киев шаҳарларидаги кўз касалликлари илмий-текшириш институтларида малака ошириди. Москвадаги Фёдров номли клиникада тажриба орттирди.

Инсон танаси аъзоларининг ҳаммаси ғоят мураккаб ва ўзига хос яратилган. Кўз эса барчасидан ҳам мураккаброкдир. Чунки инсон атроф-муҳит, умуман, ташқи олам ҳақидаги тасаввурларининг 80-90 фоизини ана шу аъзо орқали олади. Шу боис унга ташҳис қўйиш, даволаш осон эмас.

Ҳа, бугунги кунда нафақат Наманган ва унга туташ вилоятларда, балки ён қўшни республикалардаги қатор шаҳар ва қишлоқларида ҳам Муҳиддинни яхши билишади, ҳурмат қилишади. Негаки, у ердаги ўнлаб кишилар инсон учун энг улуғ бахт ҳисобланган, дунёни қайта кўришдек шарафга у орқали эришдилар. Бахтсизлик остонасида турганлар мана шу шифокорнинг ҳаётбахш қўллари шарофати билан қутилиб қолдилар.

Муҳиддин раҳбарлик қилган йилларда шифохонада катта ўзгаришлар юз берди. У энг мураккаб тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланди. Шу йилнинг ўзида бино капитал таъмирдан чиқарилди, беморларга қатор қулайликлар яратилди, қишин-ёзин иссиқ сув билан таъминлаш йўлга қўйилди. Тўрт нафар шифокор Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги таниқли кўз касалликлари илмий текшириш институтлари ва шифохоналарда малака ошириб қайтди. Пластик жарроҳлик амалиёти кенг йўлга қўйилди. «Меҳр-мурувват йили»да кекса, қаровчисини йўқотган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ўттизга яқин беморга кўз гавҳари текинга қўйилди, болалардаги ғилайлик касалини жарроҳлик йўли билан даволаш усули қўлланилди.

Ҳаёт тасодифларга тўла, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ёнма-ён келади. Баҳор ойларида бош шифокор автоҳалокатга учраб, бир ойга яқин ётиб қолди.

– Ишонасизми, шифтга қараб ерталабдан кечгача ётаман-у шифохона, бирга ишлайдиган ҳамкасблар, бошлаб қўйган ва қиладиган ишларим кўз ўнгимдан бирма-бир ўтади, - дейди Муҳиддин. – Тезроқ тузалсам-у шифохонага учиб борсам, дейман.

У белгиланган муддатдан анча олдин оёққа туриб кетди ва жонажон шифохонаси томон қанот қоқди. Чунки бу ерда уни иш, ўтказиладиган жарроҳлик амалиётлари кутмоқда эди.

Яқинда Муҳиддиннинг ҳаётида қувончли воқеа юз берди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига асосан «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Алишер Раҳматович Аҳмаджонов Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари

Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри,
2005 йил 27 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Парвиз Мириевич Алиев Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари

Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри,
2005 йил 27 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Рустам Ёқубович Исаев Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари

Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри,
2005 йил 27 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Улфат Салоҳиддинович Қодиров Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари

Ф.МУҲИТДИНОВА

Тошкент шаҳри,
2005 йил 27 август

Касаба уюшмалари Мустақиллик йилларида

ОДАМЛАР ТАШВИШИ ИЛА ЯШАЙЛИК

Бозор шароити Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясидан ҳам ўз фаолиятини янги тамойиллар асосида тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Касаба уюшмалари мустақиллик шарофатидан тобеликдан халос бўлиб, мустақил, ташкилий жиҳатдан мустаҳкам, оммавий жамоат ташкилотига айланди ва айни кунда ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида фаолият кўрсатмоқда.

Шубҳасиз, Президентимиз таъкидлаганидек республика раҳбариятининг ҳам, касаба уюшмалари Федерацияси ва унинг тармоқлари ходимларининг ҳам мақсади битта, янги ўзгаришларга ўтиш даврида аҳолини ижтимоий жиҳатдан пухта муҳофазалаш, барча соҳалардаги ислоҳотларни чуқурлаштириш орқали халқ фаровонлигини таъминлашдир. Зеро, касаба уюшмалари учун халқ манфаати устувор масала. Мамлакатимизда барпо этилаётган адолатли инсонпарвар жамиятнинг энг катта бойлиги инсон ва унинг қадр-қимматидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам энг олий қадрият сифатида инсон, унинг ҳаёти, қадри асос қилиб олинган. Асосий Қомусимизнинг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" деб белгилаб қўйилган. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида ҳам меҳнат аҳлига моддий ва маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, меҳнат қонунлари ва жамоа шартномаларининг ижросини мунтазам назорат қилиш, жамоатчилик онгида ўзини-ўзи бошқариш кўникмаларини тарбиялаш, одамларнинг ташаббус ва интилишларини рағбатлантириш бош мезон ҳисобланади. "Инсон қадри ҳар нарсадан улуғ" деган ғоя эса нуфузли ташкилот Ҳаракат Дастурининг негизини ташкил этади. Зеро, олам гултожи инсонга хизмат қилиш, уни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш Федерация ва унинг тасарруфидаги тармоқ қўмиталарининг ишидир. Шу билан бирга касаба уюшмалари бозор иқтисодиётига асосланган жамиятимизда янги мафкура ҳисобланган ижтимоий шерикчилик тамойилини ўз фаолиятининг ўзаги, деб билмоқда. Иш берувчилар учун ижтимоий-иқтисодий масалаларни меҳнаткашлар вакиллари билан муҳокама қилиш, муаммолар ечимини топиш орқали можароларнинг олдини олади. Бугун ана шундай ижтимоий шерикчилик шарофати билан мустақил юртимизда юзлаб корхоналар барқарор ишламоқда ва ривожланмоқда. Шу асосда меҳнат муносабатларини тартибга солиш механизмини такомиллаштиришда жойларда имзоланаётган жамоа шартномалари ва битимлари таъсирчанлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу миллий қонунчилигимиз Халқаро Меҳнат ташкилотининг жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисидаги конвенцияси тамойилларига тўла мосдир. Маззкур механизмни такомиллаштириш эса бу борадаги муносабатлар кўламининг ўсишига олиб келди. Яқин уч-тўрт йилда тузилган жамоа шартномалари сони ортди.

Ишловчилар учун соғлом ва бехавотир меҳнат шароитлари яратиш ҳам жамоа шартномаларининг муҳим йўналишларидан бири. Шу боис жойларда касаба уюшмаларининг меҳнат хавфсизлиги бўйича вакиллик институтларини ташкил этиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўтган йили техника хавфсизлиги қоидалари ва меъёрлари ҳамда ишлаб чиқариш санитарияси бузилганлиги аниқланиб, тегишли чора-тадбирлар кўриш учун тавсия этилди.

Қонун ҳар бир фуқаро учун қалқон бўлиши билан бирга адолат ва ҳақиқат посбони. Чунки қонун асосида иш юритиш, унга қатъий амал қилиш, албатта, муваффақиятни таъминлайди. Касаба уюшма аъзолари ҳам бугун қонун доирасида яшаш афзалликларини чуқур англаб етмоқдалар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, меҳнаткашлар манфаати ҳимоясининг ҳуқуқий негизини шакллантириш ва такомиллаштиришда касаба уюшмалари фаол иштирок этмоқдалар.

Сир эмаски, иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорлик масаласи долзарб муаммолардан бири. Бу борада Федерация Кенгаши Раёсати ташаббуси билан бир қатор ишлар амалга оширилди. Иш ҳақи тўловларидан энг йирик қарздорликка йўл қўйган корхоналар бўйича мониторинг ўрнатилди.

Шунингдек, касаба уюшмалари қонунларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш, уни халқаро андозаларга мувофиқлаштириш борасида кенг кўламли ишларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига тааллуқли бўлган бирор бир қонун лойиҳаси касаба уюшмаларининг эътиборидан четда қолмаётир. Жумладан, қонун лойиҳасини тайёрлаш ва муҳокама қилиш жараёнида Федерация мутахассислари томонидан юздан ортиқ таклифлар киритилди. Уларнинг аксарияти қабул қилинди. Масалан, меҳнатга ҳақ тўлашга йўналтирилган маблағни давлат томонидан бошқариш бекор қилинди, иш ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Йилдан-йилга даромад солиғи ставкалари пасайиб боришига эришилди.

Ижтимоий мулоқот доирасида Олий Мажлис ҳузуридаги инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳамда хотин-қизлар қўмитаси, ёшларнинг "Камолот" ижтимоий ҳаракати, байналмилал жангчилар уюшмаси, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бир қатор жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатлари йўлга қўйилди.

"Аёл омон бўлса, оила омон, оила омон бўлса, жамият омон, жамият омон бўлса, давлат омон бўлади". Президентимизнинг ушбу пурҳикмат даъватлари касаба уюшмалари фаолиятининг асосий мезонига айланди. Федерация Устави ва дастурий ҳужжатларида ҳам аёллар аҳволини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, ихтиёрий касб танлаш ҳуқуқларини кенгайтириш, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, тенг аъзолик ҳуқуқлари ўз аксини топган. Жамоа битимлари ва шартномаларида аёллар ва эркакларнинг бирдек ижтимоий ҳимояланишига эътибор қаратилди. Шунингдек, ҳомиладор аёлларга ҳақ тўланадиган таътил, мактабгача тарбия муассасалари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш учун ҳақ тўлаш, қисқартирилган иш кунини ташкил қилиш, 16 ёшгача фарзанди бўлганларга ўртача иш ҳақини сақлаган ҳолда қўшимча дам олиш кунини жорий этиш каби кўплаб имтиёзлар берилди. Санаторий ва профилакторийларда аёллар фарзандлари билан соғлиқларини тиклаб олишлари учун имконият яратилди. Бунда йўлланмаларнинг бир қисми касаба уюшмалари томонидан тўланади. Касаба уюшма органлари раҳбарлари орасида аёллар сонининг ортганлиги қувончли ҳолдир.

Соғломлаштириш касаба уюшмалари фаолиятида етакчи ўрин тутади. Шунинг учун ўтган даврда "Она ва бола", "Соғлом авлод" Давлат дастурлари асосида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Энг яхши сиҳатгоҳларда "Она ва бола" бўлимлари ташкил этилди. Оролбўйи болаларини соғломлаштиришга эътибор янада кучайтирилди. Айни кунда Федерация тасарруфидаги барча санаторий ва дам олиш уйлари меҳнаткашлар хизматида. Ижтимоий суғурта бюджетининг асосий қисми меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга йўналтирилганлиги бу борадаги ишлар кўламининг нақадар кенглигидан далолат беради.

Айни кунларда касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятларида қарийб 1,5 миллион аъзо шуғулланмоқда. Ушбу тизимда 82 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мавжуд. Улардан 20 таси ихтисослашган олимпиада заҳиралари мактаблари ҳисобланади. Спортчилар орасида нафақат республика, Осиё, жаҳон ва олимпиада чемпионлари борлиги қувончлидир.

Спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида Термиз ва Самарқандда турли даражадаги мусобақалар ўтказилиши мумкин бўлган ажойиб сузиш ҳавзалари барпо этилди. Навоийда эса замонавий болалар ва ўсмирлар спорт зали фойдаланишга тақдим этилди. Сиҳат-саломатлик йилида бу борадаги эзгу ишлар кўлами янада ортди. Буларнинг ҳаммаси касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан амалга оширилмоқда.

А.ҚОДИРОВА,
«Ишонч» мухбири

УЧКЎПРИК ҚУВОНЧЛАРИ

Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Учкўприк туманида янги саноат касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Коллеж қурилишида «Қўқон агроқурилиш» лойиҳа инжиниринг акциядорлик компанияси қурувчиларининг хизмати катта бўлди. Ўқув биноси, спорт зали, ётоқхона энг замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Янги коллежнинг тантанали очилишида сўзга чиққанлар ҳукуматимиз томонидан ёш авлодни тарбиялаш ишига катта эътибор қаратилётгани, янги лицей, мактаб ва коллежлар қурилиши замирида ҳам ёшларга ғамхўрлик мужассам эканини алоҳида таъкидладилар.

Вилоятнинг Қувасой, Марғилон шаҳарлари, Ёзёвон туманидаги коллежлар ҳам қайта таъмирланиб, янги ўқув йили арафасида замонавий қиёфа касб этди.

МАКТАБЛАР ҚУЧОҚ ОЧМОҚДА

Янги ўқув йилида Сурхон воҳасидаги 833 та мактаб остонасига 520 минг ўқувчи қадам қўяди. Уларнинг 42 мингдан кўпроғи илк бор мактабга боради. Вилоятда барча мактаблар янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига асосан янги ўқув йилида вилоятда иккита мактаб қуриб битказилиши, 23 та мактаб капитал реконструкция, 27 таси капитал таъмирдан чиқарилиши, 30 та мактаб жорий таъмирланиши керак эди. Ана шу ишлар учун 8 миллиард 345 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ ажратилди.

Жарқўрғон туманидаги 11-мактаб эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Уни капитал таъмирлашга 86,5 миллион сўм сарфланди. Тез кунда мактабнинг 1300 нафар ўқувчиси замонавий синфхоналарда дарс бошлашади.

Сариосиё туманидаги тоғли Хуфор қишлоғи болалари ҳам кўркам ва замонавий мактабда ўқийдиган бўлди. Шунингдек, Ангор туманидаги Қўзи Тўланов номли фермер хўжаликлари уюшмаси худудидаги 18-мактаб капитал реконструкциясига 126,5 миллион сўм ажратилди. «Термиз қурилиш-таъмирлаш» жамоа корхонаси қурувчилари мактабни янги ўқув йилига тахт ҳолга келтирди.

Ижтимоий ҳимоя

ФАХРИЙЛАР МЕҲР ОҒУШИДА

Фарғона электр тармоклари очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитасида меҳнаткашларни иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоялашда ибратли ишлар қилинмоқда. Яқинда мактабларда янги ўқув йили олдидан хайрли тадбир амалга оширилди. Тармоқ ходимларининг биринчи синфга борадиган фарзандларига 910 минг сўмлик ўқув куроллари олиб берилди. Жамоа шартномасига асосан кам таъминланган ва кўп болали оила фарзандларининг 45 нафарининг ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун 1 миллион 585 минг сўм маблағ сарфланди. 75 ходим санаторийларда дам олдирилди. Уруш фахрийлари ва уларга тенгланган 62 кишига "Хотира ва қадрлаш куни" муносабати билан моддий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга ходимларнинг республикамиздаги тарихий шаҳарлар бўйлаб саёҳатга олиб бориш анъана тусини олмоқда.

Корхонада маданий-маърифий, спорт соғломлаштириш тадбирларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Тармоқ республика ва вилоят касаба уюшмаларининг анъанавий "Она ва бола" кўрик-танловида корхона вакиллари иштирок этиб, фахрли 3-ўринни эгаллашди. Улар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Турли саналар муносабати билан туман, шаҳар, электр тармоқларида байрам концертлари, шеърхонлик кечалари ўтказилди.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича тармоқ дастурининг бажарилиши юзасидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини спортга кенг жалб қилиш мақсадида 936 минг сўмлик махсус кийимлар олинди. Корхона бўйича спортнинг футбол, стол тенниси, шахмат-шашка турлари бўйича туман ва шаҳар электр тармоқлари ўртасида мусобақалар ўтказилди. Ғолиб жамоаларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тармоқда касаба уюшмаси ишининг асосий йўналишларидан саналган меҳнатни муҳофаза қилиш эътибор марказида турибди. Айниқса, 2005 йилда меҳнатни муҳофаза қилиш битимининг сифати оширилиб, зарур қўшимчалар киритилишига ва муҳим тадбирлар белгиланишига эришилди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида биргина жорий йилнинг олти ойи мобайнида меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун сарфланган маблағ 10 миллион 75 минг сўмни ташкил этди.

Я.САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Суратларда: корхонада анъанавий тадбирлардан бири.

И. ҲАСАНОВ
олган суратлар

Йиллар мазмуни

ҚАДАМИГА ГУЛЛАР ПОЁНДОЗ

Охунбобоев шаҳри Андижон-Хонобод магистрал йўлидаги айланма чорраҳадан бошланади. Қайрилма йўл ёқасидаги чаманзор гўё меҳмонлар пойига тўшалган поёндоз мисол шаҳар томон чўзилиб кетган. Сумбула қуёшидан баҳра олган турфа рангдаги гуллар чайқалиб димоғингизга райҳону жамбил, атиргул ифорини уфуради. Бетон арикларда шаркираб оқаётган сув ҳаёт қўшиғини куйлаб, манзилимизгача кузатиб боради.

Яқин-яқингача гувалалардан тикланган пасту баланд кўримсиз кулбалар ўрнида бугун ана шундай кўрку тароват, оромбахш манзара... Бир вақтлар пахта тозалаш заводи рўпарасида ярим вайрона ҳаммом бўларди. Маблағ ва имкон бўлмаганидан кириш дарвозаси майишиб, унинг ёнбошида завод ишчилари истиқомат қиладиган омонат бараклар қалашиб ётарди.

Мустақиллик туман ҳокимлигининг дастини узун қилди. Давлат тузилмалари эндиликда бюджет маблағларини ўзлари тақсимлайдилар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи нур устига аъло нур бўлди. Тилга олинган эски ҳаммом ўрнида ҳозир кўркам хусусий дорихона, ошхона, дўконлар, чойхона шаҳар чиройини яшнатиб турибди.

Туман ҳокимлиги тадбиркорларнинг бошини қовуштириб, уларнинг пул маблағларини савдо шохобчалари очишга, маиший хизмат турларини кўпайтиришга, янги маданий-маиший объектларни барпо қилиш, шу асосда қурилиш ва ободончилик юмушларини гуркиратишга йўналтирмоқда. Гуруч-мозор темир йўл шоҳбекатини олайлик. Вокзал ўйдим – чуқур перрон, уч-тўртта ғариб маъмурий бино, қаққайган сув минорасидан иборат эди. Чиптахонага эшикнинг торлигидан елкалаб кириларди.

Шоҳбекат бугун шаҳарнинг обод гўшаларидан. Қадам ранжида қилган кишининг баҳри дили очилади. Чиптахона қайта таъмирланган. Поездлар тўхтайдиган перрон асфальтланиб тахтидарахтлар, ям-яшил арчалар танга ором бағишлайди. Курашхона, қўл тўпи ўйингоҳлари спорт ишқибозлари билан доим гавжум.

Шаҳар истиқлол шарофати билан йилдан-йилга гўзаллашиб боряпти. Унга ҳусн бағишлаб Қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, 70 ўринли буюм бозори, физика-математика ўқитишга ихтисослашган мактаб-интернат, марказий шифохона ҳудудида тикланган Шошилинч тиббий ёрдам маркази мустақиллик йилларида бунёд этилди.

Янгиланиш, ислоҳотлар томир урушини нафақат Охунбобоев шаҳри, балки Жалақудуқ туманининг қишлоқ ва маҳаллаларида ҳам кўриш мумкин. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашни мустаҳкамлашга қаратилган қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастури туманда изчил бажарилмоқда.

Айниқса, «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури муносабати билан аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Туманда 130 мингга яқин фуқаро истиқомат қилади. 8 та қишлоқ фуқаролар, 60 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда.

Мақсад бевосита қишлоқ аҳлига малакали, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш, шу йўл билан соғлом оилани, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишдир. Кейинги йилларда Абдуллабий қишлоғидаги Исанов номли, «Дўстлик» ширкат хўжаликларида ҳар бири 60 ўринли қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни дамларда оналар ва болалар кундузги стационар бўлимларига бепул даволанмоқдалар. Жаҳон халқаро тараққиёт банки гранти кўмагида Ёрқишлоқ, Ойим қишлоғида янги врачлик пунктлари бунёд этилмоқда. Тиббиёт масканлари мустақиллик байрами кунида беморларга хизмат кўрсатишни бошлайди.

Аҳолининг турмуш маданиятини юксалтиришда Қатортол қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Болгария» мевачилик-узумчилик ширкат хўжалигида катта ўзгаришлар юз берди. Соҳибкорлар кўтарма насослар ёрдамида суғориладиган қирадирлар бағрида зироатчилик билан шуғулланишади. Илгари соч-соқол олдиргани ёки савдо-сотиқ учун боғбонлар туман марказига тушардилар. Энди ишловчиларнинг узоқ яқин. Қирлар кафтида савлат тўккан маиший хизмат мажмуида савдо расталари, пойабзал устахонаси, сартарошхона фаолият кўрсатмоқда. Бу қулайлик ширкат маъмуриятининг соҳибкорларга мустақиллик тўёнаси.

Маорифчилар ҳам умумхалқ тантанасига арзирли совға билан келяптилар. Шаҳар марказидаги 2-умумтаълим мактаби давлат дастури асосида капитал реконструкция қилинмоқда. Болакайлар ўқув йилини компьютерлашган синфхоналарда, аудио-видео, лингафон, телевизорлар каби ўқув-техника воситалари билан жиҳозланган фан хоналарида бошлайдилар. «Жалақудуқ» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги янги мактаб биноси ҳам мустақиллик йилларида қад ростлади. Ойим қишлоғидаги «Далварзин» маҳалласи аҳли байрамни ўзгача шукуҳ билан қаршилаяпти. 630 ўринли замонавий мактаб эшиклари билимлар куни фарзандларимизга ўз бағрини очади.

Хорижга чиқиш, у ердаги ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилиш ўтмишда эришиб бўлмайдиган орзу эди. Ойим қишлоғидаги «Ойимтекстил» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси мустақиллик йилларида қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бугун янги корхонада 600 нафар йигит-қизлар иш ва ҳунар эгаси бўлдилар. «Ойимтекстил» корхонаси асли қишлоқда фаолият юритаётган «Бунёд-М» ҳиссадорлик жамоаси негизида пайдо бўлганди. Бунёдчилар яратаётган калава-иплар ва тўқув маҳсулотлари хориж эътиборига тушган. Греция, Туркия, Польша давлатлари «Ойимтекстил» ва «Бунёд-М» трикотаж матоларини сотиб оляптилар. Бунинг исботи ўлароқ, Швейцарияда жойлашган олий сифат белгиси халқаро фонди ойимқишлоқлик енгил саноатчиларнинг трикотаж маҳсулотларини жаҳон андозаларига мослигини тан олди. «Бунёд-М» корхонаси олий сифат медалига сазовор бўлди. Туркиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда Ёрқишлоқда ҳам «Апаграуп» ёғ-мой қўшма корхонаси ишга туширилди. Эътиборлиси, ишхонада маҳаллий хомашё – кунгабоқардан рўзғор мойи ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Истиқлолгача серфарзанд оилалар дўппидек маконда томорқа ерга зор бўлиб яшагани ёдимизда. Мустақиллик қуёши балқигач, елкага офтоб тегди. Ҳамма ердагидек туманда ҳам томорқа хўжаликлари ривож топиб бормоқда.

– Жорий йилда 30 минг квадрат метр шахсий уй-жой қурилишини режалаштирганмиз, - дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдувоҳоб Эшмуродов. Ярим йилда 18 минг квадрат метр ҳажмда турар-жой тикланганлигини айтиш жоиз. Бирни кўриб шукр қил, мингни кўриб фикр қил, деганларидек, демакки аҳолининг оила бюджетига барака кириб, пул даромадлари чўғи ортиб боряпти.

Турар-жой қуриш учун ер участкалари арзон нархларда аукцион савдога қўйиш орқали эгаларини топмоқда. Жорий йилда биргина Тошматов номли ширкат хўжалигида ким ошди савдоси орқали 30 та оилага 6 сотиҳдан ер участкаси сотилган. Қишлоқлардаги уй-жой комиссиялари ёрдами билан ярим йилда 101 нафар фуқарога 10,5 гектар ер майдони турар-жой қуриш учун ажратилган.

Истиқлолимиз, эркимиз, ҳурлигимиз иноятн эмасми бу?!

С.РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ТАРИХ САБОҚЛАРИ

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

Шаҳидлар хотирасини ёд этмоқ, мозийга ҳақиқат кўзи билан бокмоқ миллий тарихимиз, аждодларимиз, колаверса, келажак олдидаги инсоний бурчимиздир. Негаки, ҳақиқий тарихни билмай туриб, ўзликни англаб етиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустахкамлайди. Ўз тарихини яхши билган, ундан рухий кувват олган инсонни енгиб бўлмайди. Шунинг учун Президентимиз таъкидлаганидек, ёшларимизни шу тарих билан куроллантиришимиз зарур. Нуронийларимиз ўлмас тарихимизнинг тирик гувохларидир. Уларнинг сўзларига кулок тутсак ҳақиқат бўй-басти билан намоён бўлади..

БЎЗСУВ СОҲИЛИДАГИ ЗИЁРАТГОҲ

1930 йилнинг ноябр кунларининг бирида эрта билан ишга кетганча бедарак йўқолган бузрукворим - муаллим, журналист ва драматург Саид Аҳрорий - энди билсам, ўша чоғда ҳибсга олинган экан.

Мана шундай кўргуликка гирифтор этилганлар қанча бўлган?

Буни ҳеч ким аниқ билмайди. Ҳатто биз ҳам ўз отамиз қисмати ҳақида йиллар мобайнида ҳеч нарса билмадик, истиқлол туфайлигина айни ҳақиқатни англадик, унинг фожиали тақдиридан огоҳ бўлдик.

Шахсан мен, мустақил давлатимиз шаҳид кетган ўғлонлари хотирасини абадийлаштиришига чуқур ишонар эдим. Аммо бу иш шунчалик тез амалга ошишини хаёлимга ҳам келтирмаганман. Бугун ҳаммамиз ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз: Юнусободда, бир вақтлар зиёлилар, ватанпарварлар қатағон этилган жойда кўркам ва маҳобатли обида кўкка бўй чўзди. Не-не сир-синоатларни қаърига жо қилиб, бўзлаб оқаётган Бўзсув соҳилларида сокин зиёратгоҳ яратилди. Бу мустақил юрт фарзандларининг тенгсиз курашда қурбон бўлган, жанозасиз ва кафансиз кетган оталари ва боболарининг чирқираган руҳига таскин бериш учун меҳр ва манглай тери билан бунёд этган обидадир.

Бўзсувнинг икки соҳилида ястанган бу сўлим зиёратгоҳ янги авлоднинг ота-боболарига миннатдорлиги рамзидир. Юрт озодлиги йўлида очилмай сўлган сиймолар руҳини шод этиб, орзу-армонларини рўёбга чиқариш, уларнинг номларини авлодлар хотирасига муҳрлаш улкан саодатдир. Номи ўчмас қаҳрамонларимиз номлари ва асарлари, Ватан озодлиги йўлида кўрсатган фидойиликлари ёшларимизга ҳамиша ибратдир.

Холида АҲРОРОВА

ОЗОДЛИК ҚАДРИНИ БИЗЛАРДАН СЎРАНГ

Пайғамбаримиз Ҳадису Шарифда шундай башорат қилганлар. «Подшоҳларингиз яхши, бойларингиз сахий ва ишларингиз бамаслаҳат бўлса, сизлар учун ернинг остидан усти афзалдир. Акс ҳолда ернинг устидан ости афзалдир».

Тўқсонни қоралаётган мендек нуроний учун бу сўзлар нақадар қадрли. Боиси Юртбошимизнинг эзгу ишлари, фахрийларга эътибори, Мустақиллик туҳфаларидан бошим осмонга етди..

37-йилнинг офатлари ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўн гулидан бир гули очилмаган келинчак эдим. Қўлимда чақалоғим билан қон йиғлатиб, турмуш ўртоғимни «қулоқнинг думи» деб сургаб кетишди. Тўғри, эрим оддий батрак бўлса ҳам илм-маърифатли эди. Айби ҳам ана шу оқ-қорани танигани бўлди. Қатағон қурбони бўлиб кетди. Қизим ундан қолган ягона ёдгорим. Отаси қизига ҳали исм ҳам қўйиб улгурмаган эди. Уни ўзим йиғлаб-йиғлаб Қурбонгул дедим. Уни асраб-авайладим Қулоқнинг думи, «ёт унсурнинг хотини» деган тавқи лаънат, камситишларни эшитиб яшадим. Барисига чидадим. Худонинг яхши кунлари бор экан. Қизимдан ўн невара кўрдим. Невараларим бағримни тўлдирди. Невараларим эса ҳаётим мазмунига айланди.

Не бахтки, юртимиз озодликка эришди. Биз кексалар қадди янада баланд кўтарилди. Ҳаммасидан ҳам умрдошим каби бегуноҳ қатағон этилганлар руҳини шод этиб, азим Тошкентда «Шаҳидлар хотираси» хиёбонини ташкил этиб, унда қатағон қурбонлари учун рамзий қабр ўрнатилгани икки дунё саодатига арзигулик иш бўлди. Бу йил невараларим мени Тошкентга олиб бориб, ана шу муборак зиёратгоҳни тавоф эттиришмоқчи. Уларга ҳавасим келади. Фикрлари теран, тадбиркор, ишлаб чарчашмайди. Айниқса, невара келиним менга бирам меҳрибон, ўзи тикувчи, фабрикада ишлайди. Ҳар куни ишларидан севиниб сўзлайди. Чиқараётган маҳсулотларига четдан ҳам харидор борлигини айтиб мақтанади. Ҳа, улар ҳар қанча фахрланса арзийди. Меҳнати ўзига, оиласига, юртига катта наф келтиряпти. Унга қараб ўзимнинг фожеали ёшлигим эсимга тушади. Қатағон даврининг зулм-зўравонликларидан сўзлаб бераман. Озодлик кунларининг қадрига етинглар, деб қайта-қайта уқтираман.

Ж.БАКИРОВА,
Қашқадарё вилояти

***1991 йилнинг 6 февралида адабиёт ва санъат соҳасида Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилди.**

***1994-1995 йилларда кўп жилддан иборат «Хотира китоби» нашр этилди.**

***1999 йил 12 майда Президент Ислом Каримовнинг мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш жамоатчилик комиссиясини тузиш ҳақидаги Фармойиши эълон қилинди.**

***1999 йилнинг 22 июлида «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори эълон қилинди ва унда Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида мустамлакачилик даври қурбонлари хотира мажмуини барпо этиш, шунингдек, «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасини тузиш, қатағон этилган фидойи ватандошларимизни номма-ном аниқлаш, кўп жилдлик «Қатағон қурбонлари» хотира китобини яратиш, шаҳид кетганларнинг ҳаёт йўли, илмий-ижодий меросини кенг жамоатчиликка етказиш каби хайрли вазифалар белгилаб берилди.**

***1999 йилнинг 21 августида «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ташкил топди.**

***1999 йилнинг 25 августида улуғ шоир Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпонга Ватаннинг юксак мукофоти - «Мустақиллик» ордени берилди. Шоирга Андижонда ҳайкал ўрнатилди.**

***2000 йилнинг 12 майида пойтахтнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув соҳилида бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

***2000 йилда Ўзбекистон телевидениеси ижодий жамоаси қатағон қурбонлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Йиллар армони» ҳужжатли фильмини намойиш этди. «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси томонидан қатағон қурбонлари ҳақидаги альбом-буклет ҳамда Абдурауф Фитратнинг икки жилдлик «Танланган асарлар»и нашр этилди.**

БУ КУНЛАРГА ОСОНЛИКЧА ЭРИШИЛМАДИ

Тонг чоғи хизматга йўл олаётиб, кузатаман: боғ ва чорбоғлар яшнаб, гул ва гиёҳлар хушбўй ис таратади. Одамларнинг юзу кўзида мамнунлик. Давралар суҳбати эса тўйлар, йиғинлар, таваллуд айёмларини ўтказишдек ширин ташвишлардан бошланади. Буларнинг бариси тинчлик-хотиржамлик шарофати. Ўйлайман, халқимизнинг шу кунларга етиб келиши осон кечмади. Эрк йўлида курашган мард, ватанпарвар ўғлонларнинг номларини меҳр билан тилга оламан. Уйимдаги улкан кутубхонанинг кўпгина қисмини ана шундай инсонлар ҳақидаги асарлар эгаллаган.

Бир вақтлар Абдурауф Фитрат ўзининг «Юрт қайғуси» асарида «Юртим, Туроним, Сендан айрилмоқ менинг ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ – тириклигимдир» деб ёзган эди. Маълумотларга кўра Чўлпонга тегишли ҳар битта буюм аялмасдан йўқотилаётган бир пайтда унинг мушфиқ синглиси акаси суратини нимчаси астарига беркитиб юриб асраб қолган экан. Ҳозирда пойтахтимиздаги «Қатағон қурбонлари хотираси» музейида сақланаётган бу суратга боқсак, бизга кўпдан қадрдон ўша сатрлар хаёлимиздан ўтади: «Гўзал Чўлпон эдим, дўстлар...»

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Бу сўз замиридаги маъно-мазмунни ўзим тарихчи бўлганим учун жуда теран тушунаман. Тарихий ҳақиқатни тиклаш борасида юртимизда муҳим қадамлар қўйилди. Ватан деб ҳайқирган, юраги юрт ишқи билан ёниб яшаганларнинг изларини ҳамон изламоқдамиз, уларнинг шуҳрати тикланиб, шаҳид бўлган масканлари зиёратгоҳларга алантирилянпти. Ягона мақсадимиз – Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, кўз қорачиғидай асраш-дандир.

И.РАЖАБОВ,
Тошкент шаҳар, С.Раҳимов туманидаги Чиғатой Оқтепа маҳалла фаоли

МАНГУ ЯНГРАЙВЕРСИН, «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»!

«Шарқ тароналари» бешинчи халқаро мусиқа фестивали ниҳоясига етди

Қарийб бир ҳафта давомида қадимий Самарқанд нуфузли мусиқа байрами шукухи билан яшади. Регистон майдони, «Мўъжиза» амфитеатри, «Ёшлик» ва «Суғдиёна» истироҳат боғларидаги мухташам сахналарда элликдан зиёд давлатдан ташриф буюрган санъаткорлар ўз истеъдодини намойиш этди. Турли миллат ва элатлар тилида Ватан, тинчлик ва дўстлик, муҳаббат ва садоқатни тараннум этувчи қўшиқлар янгради.

Фестивалнинг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг иштирок этгани, самимий табриги анжуман қатнашчиларини янада руҳлантирди.

30 август оқшоми... Регистон майдони фестиваль иштирокчилари, меҳмонлар ва санъат ихлосмандлари билан гавжум. Бу ерда халқаро мусиқа анжуманининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар қувончли ва ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлган мазкур фестиваль инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, тили, маданияти, миллий қадриятлари ранг-баранг бўлган турли миллат ва элатларни санъат воситасида муштарак мақсадлар йўлида бирлаштиришга хизмат қилажагини таъкидладилар.

Айтиш жоизки, йил сайин «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг нуфузи ортаётир. Иштирокчилар сафи ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Самарқанд заминида янграётган наволар бутун жаҳон бўйлаб акс-садо беряпти. Бу йилги анжуман ҳам бетакрор тароналар, дилбар куй-қўшиқ ва рақсларга бой бўлди.

Фестивалда ўзбек санъат усталарининг чиқишларини асосан ҳазрат Алишер Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар ташкил этгани анжуманга ўзгача маъно-мазмун ва шукуҳ бахш этди.

Анжуман меҳмонлари яна бир бора ўзбек халқининг бой мусиқа маданияти, бетакрор санъатидан баҳраманд бўлдилар. Халқаро мусиқа фестивалининг ҳар бир куни унутилмас учрашувлар, дилкаш мулоқотлар билан ўтди.

Хорижлик санъаткорлар ва фестиваль меҳмонлари Самарқандда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар. Ўзбек халқининг бағрикенглик, меҳмондўстлик фазилатларидан, юртимизнинг буюк ўтмиши, бой маданияти ва маънавиятидан янада кўпроқ воқиф бўлдилар.

... Барча ҳаяжон ва сабрсизлик билан фестиваль ғолиблари ва совриндорларининг номи эълон қилинишини кутади. Ниҳоят, ўша лаҳзалар етиб келди.

«Шарқ тароналари» Y халқаро мусиқа фестивалининг бош соврини - Гран-при ҳеч кимга берилмади. Фестиваль ҳайъати аъзолари биринчи мукофотга ҳамюртимиз Нодира Пирматова ҳамда озарбойжонлик хонанда Айгун Бейларни муносиб топди. Кувайт ва Италиядан ташриф буюрган санъаткорлар ва мўғилистонлик хонанда Урнаа Чахар Тукчи фестивалнинг иккинчи мукофоти билан тақдирланди. Учинчи ўрин Корея Республикаси, Бангладеш ва Исроил вакилларига насиб этди. ЮНЕСКОнинг махсус соврини Афғонистон, Халқаро фестиваль ҳайъатининг махсус соврини эса Миср Араб Республикаси санъаткорларига топширилди.

Анжуман доирасида «Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун» танлови бўлиб ўтди. Унда ҳар бир мамлакат вакили ўз халқининг миллий қўшиғи ва мусиқаларини ижро этди. Бу танловда ҳам ғолиблик яна Нодира Пирматова ҳамда Айгун Бейларга насиб этди.

Озарбойжонлик хонанда Айгун Бейларни суҳбатга тортдик:

- Гўзал Самарқанд, «Шарқ тароналари» ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Қардош ўзбек халқи мени ўз фарзандидек кутиб олганидан, санъатимни олқишлаганидан бошим осмонга етди. Ўзбек мумтоз қўшиқлари мени ҳар доим ўзига мафтун этиб келган. Насиб этса, яна икки йилдан кейин Самарқандда ўзбек тилида куйлаш ниятини дилимга тугиб қўйдим. Шундай нуфузли мусиқа фестивали ташаббускори бўлган муҳтарам Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдираман.

Фестиваль байроғи туширилди. Нуфузли халқаро мусиқа анжумани иштирокчилари икки йилдан сўнг яна шу табаррук заминда дийдор кўришиш орзусида хайрлашдилар.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов, Самарқанд вилояти ҳокими М.Нурмуродов иштирок этди.

Акбар ҚАРШИЕВ,
ЎзА мухбири

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Сирдарётелеком» филиалида аҳолига намунали телефон алоқа хизмати кўрсатиш борасида талайгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

БИРЙЎЛА 5 ТА ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ СТАНЦИЯ

Сирдарё вилоятида алоқа тармоғи асосан ўтган асрнинг 60-йилларидан кейин ривожлана бошланди. Ундан олдинги йиллари вилоят ҳудудида фақат темирйўл бўйида жойлашган Сирдарё, Мирзачўл, Ховост, Янгиер каби қўрғонларида алоқа тармоғи бўлган. 1964 йилдан бошлаб автоматик телефон станциялари ишга туширила бошланди. Аввал 1500 рақамли, 1968 йилда эса 2000 рақамли алоқа станциялари иш бошлади. Шундан сўнг Бахт, Сайхунобод каби туманлари ҳам алоқа тармоғи билан боғланди.

Мустақиллик йилларига келиб вилоятда мавжуд бўлган алоқа тармоғи ускуналари жуда эскириб, замон талабларига жавоб бермайдиган ҳолатга келиб қолган эди. 1994 йилда Жанубий Кореянинг «ДЭУ Телеком» фирмаси билан ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилиб, унга кўра Гулистон, Сирдарё, Янгиер, Ширин ва Бахт шаҳарларига 40 минг мижозга хизмат кўрсатувчи янги замонавий электрон-рақамли АТС ускуналари келтирилди. 1996 йилда кореялик мутахассислар томонидан бир йўла 5 та шаҳарда 40 минг мижозга мўлжалланган «ТДХ-2000» русумли электрон рақамли станция фойдаланишга топширилди. Шундан сўнг аҳоли шаҳарлараро ҳамда дунёнинг хоҳлаган нуқтаси билан сўзлашиш имкониятига эга бўлдилар. Сўнгги йилларда эса Мирзаобод, Боёвут, Оқолтин туман марказларида ҳам янги алоқа станциялари хизмат кўрсата бошлади.

— «Сирдарё-телеком»га қарашли телекоммуникация боғланмалари Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида талайгина ижобий натижаларга эришмоқда, - дейди филиал бошқаруви раиси А.Агалиев. — Ўтаётган йилнинг 6 ойи мобайнида халқ хўжалиги тармоқлари ҳамда аҳолига жами бўлиб, 1 миллиард 200 миллион сўмликка яқин хизмат кўрсатилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 9,7 фоизни ташкил қилди. Мижозларга кўнгилдагидек алоқа хизмати ташкил этиш мақсадида шу вақт давомида 50 та телефон аппарати ўрнатилди ва уларнинг сони 43989 тага етказилди. Жамоанинг ҳозирги кундаги вазифаларидан бири- аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатиш ҳамда дебитор қарзларни ундиришдан иборат. Ана шу мақсадда саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Натижада алоқа хизматидан юзага келган дебитор қарзлар йил бошига нисбатан 41,5 миллион сўмга камайтиришга эришилди.

Кўрсатилаётган алоқа хизмати сифатини яхшилаш, ишчиларга қулай шароит яратиш мақсадида биноларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилаётир. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 116 минг сўмлик ҳажмда иш амалга оширилди. Бундан ташқари, ҳудудда қўшимча рақамли АТСлар ҳам ўрнатилмоқда. Масалан, яқинда Гулистон туман марказида Хитойнинг «ZTE» фирмасининг 2500 номерли электрон рақамли АТС ишга туширилди. Аҳолига намунали алоқа хизмати кўрсатишни таъминлаш учун вилоят ҳудудида 107 та таксофон мунтазам ишлаб турибди. Улардан ярим йил давомида тушган даромад 23 миллион 261,2 минг сўмни ташкил этади. Оқолтин, Мирзаобод туманлари ҳудуди орқали ўтаётган халқаро «ТАЕ ВОЛС» алоқа тармоғи шиша толали кабелга уланди. Яқин келажакда Японияннинг «JBIC» лойиҳаси бўйича 198 километр узунликдаги масофада шиша толали кабелга уланиш режалаштирилган.

Филиалда бугунги кунда жами 632 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётир. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда иш олиб борилаётганлиги туфайли ишчиларни ижтимоий-иқтисодий муҳофазалашда талайгина ютуқларга эришилаётир. Ўртача ойлик маошлар 60-70 минг сўмни ташкил этгани ҳолда ўз вақтида бериб борилаётир. Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси билан жамоа шартномаларини тузиш орқали ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга эришиляпти. Филиал билан тузилган жамоа шартномасида асосий эътибор ишчи-ходимлар учун меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимларни соҳадаги узлуксиз иш стажлари, юбилей саналарини муносиб тақдирлашга, турли хилдаги моддий ёрдам пуллари, кўп фарзандли оилалар болалари учун ўқув қуролларини сотиб олишга берилаяпти. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами 27 миллион 600,7 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам пуллари ажратилди. Бундан ташқари, кам таъминланган ва нафақадаги ҳамда бола тарбияси билан банд бўлган аёлларга 3 миллион 220 минг сўм, меҳнат муҳофазаси учун 18 миллион 832,4 минг сўм маблағ сарфланиши мўлжалланиб, ярим йил давомида ишчиларга 250 жуфт махсус кийим, шахсий ҳимоя воситалари олиб берилди. Хавфсиз меҳнат шароитини яратишга қаратилган тадбирлар учун 12 миллион 472,4 минг сўм маблағ сарфланди. Жорий йилдаги ёзги соғломлаштириш мавсумида кам таъминланган оила фарзандларидан 83 нафари маъмурият ҳисобидан сўлим оромгоҳларда дам олиб қайтишди. Бунинг учун филиал ҳисобидан 2 миллион 50 минг сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, 5 нафар ходим юртимиздаги турли санаторийларга юборилди.

О.ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Чуст педагогика коллежи Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошкариш тўғрисида"ги карори асосида янги таълим боскичига кўтарилди.

Собиқ Чуст педагогика билим юртини педагогика коллежига айлантириш, реконструкциялашга 1,7 миллиард маблағ ажратилди. Қисқа фурсат ичида мазкур билим маскани замонавий касб-ҳунар коллежига айлантирилди. Ўқув хоналари тўла жиҳозланди. Барча қулайликларга эга бўлган 450 ўринли ётоқхона, 150 ўринли ошхона ишга туширилди. Жамоа аъзолари - мураббий ва талабалар ҳаракати билан 60 дан ортиқ фан кабинетлари, лаборатория ва устахоналар қайта безатилди.

— Кўрилаётган тадбирлар ўқув сифатининг тубдан яхшиланишига, унда ўқиш истагида бўлганларнинг тинимсиз ошиб боришига олиб келмоқда, - дейди коллеж директори, доцент Муродхон Маматов. - Агар 2002 - 2003 ўқув йилида таълим даргоҳига 225 талаба қабул қилинган бўлса, 2004 - 2005 ўқув йилига келиб улар сони 362 нафарга етди. Ўқув жараёнида янги педагогик технология, ноанъанавий усулда дарслар ташкил этилмоқда. Химия, физика, информатика, биология, рус ва хорижий тиллар фан кабинетлари энг замонавий лаборатория ҳамда ўқув жиҳозлари билан таъминланганлиги сабабли ўқувчиларга юқори билим ва касб кўникмалари ўргатилмоқда.

Коллеж маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги жамоа шартномасига асосан ўқувчиларни, айниқса, кам даромадли оила фарзандларини, етим болаларни ижтимоий ҳимоялаш асосий эътибор марказида бўлмоқда. Агар ўтган йили уларни рағбатлантиришга 1 миллион 910 минг сўм ишлатилган бўлса, шу йилнинг ўтган даври мобайнида 750 минг тежалган маблағ ижтимоий ҳимоя мақсадига сарфланди. 2002 - 2004 йиллар давомида коллежни битирган 2 нафар ота-онаси йўқ талабага 616 минг 720 сўм бир йўла бериладиган пул тўланди ва ишга жойлаштирилди. Шу ўқув йили давомида 57 нафар талабага ички имкониятлардан келиб чиқиб 1 миллион 200 минг сўмлик пул ёрдами кўрсатилди ва ўқув қуроллари олиб берилди.

Коллежда спорт тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 11 та тўгарак фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда коллеж талабалари стол тенниси, бокс бўйича вилоятда ўз мавқеларига эга. Коллежнинг 2-босқич талабаси, Ўзбекистон чемпиони Нозима Ғиёсова стол тенниси бўйича халқаро мусобақаларда биринчи ўринни эгаллагани айниқса талабалар қувончига қувонч қўшди.



С.ЯЛҒОШЕВ

«Олой деҳқон бозори» ОАЖ акциядорлари диққатига!

Хабар тартиб рақами 09

Умумий Мажлис тури - акциядорларни навбатдан ташқари Умумий мажлиси

Умумий Мажлис ўтказилган вақт - 2005 йил 24 август

Умумий Мажлис ўтказилган манзил - "Олой деҳқон бозори" маъмурий биноси

Умумий Мажлисда қатнашганлар - 42468 та овозга эга 36 та акциядор

Кворум - 83,4%

1. Жамият бошқарув раислигига Илҳомов Р. О. номзоди 27038 та рози овоз билан тасдиқланди.

2. Жамиятнинг 2005 йилги иш режаси (бизнес план) 42468 та овоз билан тасдиқланди.

3. Жамиятда йиллар давомида талаб қилинмаган муддати ўтган дивидендлари 2002 йилгача бўлган 308,8 минг сўм жамият ҳисобига ўтказиш 42468 та овоз билан тасдиқланди.

4. Жамият Кузатув Кенгашига 26765 та рози овоз билан Мирхайдаров. Ф аъзо этиб тасдиқланди.

5. Жамиятнинг 2005 йил 1 ярим йиллик молиявий хўжалик ҳисоботи якуни бўйича олинган дивидендлар ва уни бериш тартиби 42468 та овоз билан тасдиқланди.

Хабар тартиб рақами 05

Жамият акцияларининг хиллари - эгаси ёзилган.

Акцияларнинг турлари (тоифалари) - оддий

Ҳар бир акцияга ҳисобланган 135 сўм 93 тийин дивиденд 60 кун муддат ичида тўланади.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

Азиз юртдошларимизни муборак байрам билан самимий қутлаб, энг сўлим, ҳар томонлама қулай сиҳатгоҳларга таклиф этади. Инсон учун энг зарури саломатлик, тинчлик-хотиржамликдир!

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИЛИШ ВА ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



Барча ватандошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам - Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йиллиги билан қизғин қутлайди. Ҳалол меҳнатимиз юртимизга, хонадонларимизга қут-барака олиб кираверсин. Юртда тинчлик-тотувлик доимо ҳукм сурсин.





АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»

Барча юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги билан самимий муборакбод этади!
"Пахта Банк" Сиз азизларни ўзининг 183 та филиаллари ва 466 та мини банклари орқали миллий ва чет эл валюталарида барча замонавий банк хизматларидан фойдаланишга чорлайди!
"Пахта Банк" - Фаровонлигингиз калитидир!



АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ҒАЛЛАБАНК»

Ўз мижозларини Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йиллиги билан муборакбод этади. "Ғаллабанк" энг қулай, ишончли ҳамда замонавий тўлов воситаси - пластик карточкаларни таклиф этади. У қимматли вақтингиз тежалишининг, тўловларингиз тезда амалга ошишининг, пул маблағларингиз ишончли сақланишининг КАФОЛАТИДИР!

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВЧИЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

Ушбу қувончли кунларда фидокор халқимизга, барча касаба уюшма ходимлари-ю аъзоларига соғлик-саломатлик, оилавий бахт ва муваффақиятлар тилайди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ КЕНГАШИ

Биз бир рўйхатдамиз аввалу охир,
Истиқлол одамлари!
Бизнинг шиддатлардан бўлгандир зоҳир
Давримиз қадамлари!



ЮРТ КЎРКИГА КЎРК БАҒИШЛАБ

Истиқлол байрами воҳада ўзгача завқ-шавқ билан кутиб олинмоқда. Бунинг боиси Президентимизнинг "Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги юбилей тадбирлари билан уйғунлашган ҳолда олиб борилаётганлигидадир.

Қарши шаҳрида бунёд этилаётган олимпия заҳиралари коллежи, Мустақиллик майдонидаги улкан қурилишлар, қайтадан таъмирланаётган равон кўчаларни кўриб кўнглингиз равшан тортади.

Вилоят туманлари ҳам улкан бунёдкорлик майдонини эслатади. Жумладан, Шаҳрисабз туманида бугунгача умумий қиймати 599 миллион 183 минг сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. "2004 - 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастури"га асосан бир неча мактаблар қайта таъмирланиб, ўзгача чирой касб этди. Чоршанбе қўрғонидаги 30-, 48-, 75-мактаблар капитал реконструкция қилиниб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

Туманда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ҳам бир мунча ишлар қилинди. Шовкан қишлоғида 50 қатновга мўлжалланган врачлик пунктининг тикланиши барчани хушнуд этди.

Амир Темур таваллудига 670 йил тўлиши муносабати билан Шаҳрисабзда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Оқсарой мажмуаси, Малик Аждар масжиди, Чубин мадрасаси, Чорсу савдо гумбази, Доруссаодат мажмуаси, Амир Темур ер ости мақбараси ва мажмуаси сингари бир қанча тарихий ёдгорликлар қайтадан таъмирланаётгани аҳолини иш билан таъминлашда ҳам янги саҳифа очмоқда. "Кумуш - Ўзбек - Британия" қўшма корхонасининг бу борада улуши катта. 277 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган туманда аҳолини иш билан таъминлаш тобора яхшиланмоқда.

Китоб тумани халқ таълими бўлими мудири Абдуғани Ашуровнинг таъкидлашича, жорий йилда 4 та мактаб дастурга асосан жорий таъмирлашга киритилган. Абдулла Авлоний номли 59-мактабни мукаммал таъмирлаш учун 17,4 миллион сўм маблағ сарфланиб, "Китоб қишлоқ қурилиш" жамоаси қурувчиларининг саъй-ҳаракати билан бу иш ниҳоясига етказилди. 82-мактаб мукаммал таъмирланди. Бунинг учун "Рухсат" фирмаси 60 миллион 414 минг сўм маблағ сарфлади. Охунбобоев номли мактабда амалга оширилган ишлар ҳам киши диққатини тортади. "Китоб - Фахр" қурилиш-таъмирлаш корхонаси қурувчилари томонидан 139 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Мактабда лингафон, устахона, ўқув лабораторияси, маънавият ва маърифат хоналари, касбга йўналтириш хоналари шу кун талаблари асосида жиҳозланди.

Умуман, Мустақиллик байрами ҳамда янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари кўтаринкилик билан амалга оширилмоқда. Янги ўқув йилида 1274 нафар ўқувчилар бошланғич синфларга қабул қилинди. Мактабларни тугаллаган ўқувчиларнинг 75 нафари академик лицейларга, 1703 нафари касб-ҳунар коллежларига жойлаштирилди.

Ш. СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбири

Суратларда: Мустақиллик иншоотлари





Орамиздаги одамлар

Унинг болалиги далада ўтган...

Ёдида, отаси даштга ғўза суғоргани бораётиб қизини ҳам олиб кетарди. Ўшанда у отасини тинмай саволга тутар, «ғўзанинг гуллари нега икки хил?», «манави кўсак бунча оғир?», «қачон пахта очилади?» деяверарди. Ота унга обдон тушунтириб бўлгач, яна қийикчасини қайта боғлаб ишга киришиб кетарди. Юлдуз эса эгатма-эгат оралаб шиғил кўсакларни санашдан ҳеч эринмасди. Ўша кезлардаёқ у далага қаттиқ меҳр қўйди. Мактабни битиргач, шартта кетмонни олдию отаси ёнига отланди. Йиллар ўтиб, уни Сайхунободдан Жиззахнинг олис дашт қишлоғига узатишганидаям у бошқа келинчаклар каби чилла саклаб ўтирмади. Янги жойга тезда-да эл бўлди. Далада ишлаб ўзини кўрсатди. Меҳнати билан танилди.

ЮЛДУЗХОННИНГ ЮЛДУЗЛИ ОНЛАРИ

ёхуд мукофотга иккита «Нексия» олган фермер аёл ҳақида

– Аслида менинг омадли кунларим мустақилликка эришганимиздан сўнг бошланди десам хато қилмаган бўламан, - дейди Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги «Юлдуз» фермер хўжалиги бошлиғи Юлдуз Холматова. – Дастлабки йилларда 111 гектарга экилган пахта, 86 гектарга экилган ғалладан шартномада кўрсатилган ҳосилни йиғиб олишимга кўзим етмаганди. Сабаби, узоқ йиллар кетма-кет экин экилавергани учун ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, тупроқ унумдорлиги пасайганди. Ўйладим, бундай вақтда нима қилмоқ керак? Кекса деҳқонлардан маслаҳат олдим. «Эл билан тил топишсанг, сўнг ер билан ҳам тил топишинг осон кечади» дейишди улар. Худди шундай йўл тутдим.

«Меҳнат – омад эшигини очади!»

Бу – халқ тилидаги ҳикмат. Ўша йили Юлдузхон пахта ва ғалла экилган майдонларни бир нечта оилаларга бўлиб ташлади. Ишловчиларга яхши ҳақ тўлади. Уларга кўнгилдагидек шарт-шароит яратди. Уруғ қадашдан олдин ерни созлаш, техника кучидан унумли фойдаланишга эришди. Бир неча йл ичида пахта ҳосили 31 ўрнига 35 центнерга, ғалла эса гектаридан 44 центнерга кўтарилди! Олинган юқори даромаднинг анча қисми хайрли ишларга сарфланди. Тумандаги болалар боғчаларини қайта таъмирлаш, қишлоқ спортини жонлантириш, янги йўл қурилиши, «Наврўз» қишлоғида стадион барпо этиш, кам таъминланган хонадонларга зарур миқдорда ғалла ҳосили тақсимлаш сингари эзгу ишларга ўзи бош-қош бўлди. Юлдузхон ота-онасининг ўгитларини ҳеч вақт эсидан чиқармади.

Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди:

– Омадинг чопса, ён-атрофингдагиларга мурувватли бўл, дердилар отам. Онам эса бир коса оби ёвғонини ҳам кимларгадир илиниб ўтирарди. Одамларга меҳрли бўлиш фазилати менга ота-онамдан ўтган.

Фермер аёлнинг айтишича, истиқлол йилларида кишиларнинг сараги саракка, пучаги пучакка ажралиб қолди. Машаққатларга дош бериб ишлаб, сўнг шу меҳнатнинг ҳузурини кўрмоқликка не етсин! Ахир юртимизда деҳқон-фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш борасида қанчадан-қанча қарор ва фармонлар эълон қилинди. Уларнинг барисида инсон манфаати, фаровонлиги ўз аксини топган, шундай эмасми?!

Ҳақ гап. Юлдуз Холматова вақтни қадрлайди, қулай фурсатни ҳеч қачон бой бериб ўтирмайди, ҳаракатлари дадил, ишончли! Ерни «ерим» дейди, «пахтам», «ғаллам» дея меҳр билан сўзлайди. Эрта кўкламдан то кеч кузакка қадар даладан бери келмайди. Ундаги бу фидойиликни оиласидагилар аллақачон тушуниб етишган. Озодбек, Дилрабо, Дилнора, Сайёра – ҳаммалари «ҳорманг, онажон» деб пешвозга чиққан кезларда дил-дилдан қувонади, чарчоғи кетади.

«Ҳаёт машаққатлари билан тотли!»

Қайсидир йилларда ғалла ва пахтадан юқори ҳосил етиштириб, кетма-кет иккита «Нексия» билан мукофотланган экансиз-а? - дейман.

Фермер аёл далалардан кўз узмай гапларимни бош иргаб тасдиқлайди. Сўнг дейди:

– Бундан уч-тўрт йиллар илгари эди, атрофимда гапсўз кўпайди. «Чинакамига омадингиз келди!» дегувчилар бўлди. Мен ўйланиб қолдим. Омад менга шунчаки келган эмас. Кўп йиллик машаққатли меҳнатларим эвазига берилган мукофот бу! Истиқлол имкониятлари менга куч-қувват ато этди. Экилган ниҳолларни фарзандимдай парваришладим, далани ардоқладим, тупроқни севдим, шу аснода ҳам ардоқли бўлдим, меҳнатларимнинг роҳатини кўрдим.

«Йил деҳқонлар учун яхши келди» дейишмоқда кексалар.

Тумандаги кўпчилик фермерлар қаторида Юлдуз Холматованинг ҳам хирмонлари дон-дунга тўлиб-тошди. Пахта ҳам салмоқли, йирик-йирик... Демак, яна омадли кунлар бошланди.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Турфа олам

МАНЗАРАЛИ ГУЛЛАР ХОСИЯТИ

ГУЛТОЖИХЎРОЗ. Жароҳатлар ва яраларни бириктиради. Ширасн оғиздаги эскирган яралар ва оғиз оғриғига энг яхши доридир. Унинг қуюлтирилган ширасини олиш керак. Бу оғиз оғриғига ниҳоятда фойдалидир.

ЛОЛА. Лоланинг ширасини бош ва миянн тозалаш учун бурунга тортилади. Бошдан рутубатларни тортиш учун унинг илдизи чайналади. Унинг ширасини асал билан қўшиб ишлатилса кўз хираланишига, кўзга оқ тушишига ва кўздаги яралардан қолган изларга фойдалидир. Қуритилган лола чиркли яраларга фойда қилади ва уларни битиради, пўст ташлашга ҳам фойда қилади. Лолани қайнатиб, қаттиқ бўлмаган шишларга суртилади ҳамда чипқон ва иссиқ тошмаларни бунинг воситаси билан ёриб бўшатилади. Ёнғоқ пўчоғи билан аралаштириб ишлатилса сочни қорайтиради. Барг ва шохчаларини шундайлигича ёки қайнатиб ишлатилса, сочни қорайтиради.

НАРГИС. Наргиснинг илдизини асал ва ёввойи ясмиқ билан қўшадилар ва бу аралашма қийинчилик билан етиладиган йирингли шишларни ёради. Наргис жароҳатларни қовжиратади ва уларни шундай ёпиштирадики, ҳатто пайларнинг узилишини ҳам маҳкам бириктириб юборади. Асал билан янчиб оловдан қуйганга, чуқур яраларга қўйилади. Наргис ёғи асабга фойда қилади. Илдизидан бўғинлар оғриғига қулоқ суртма тайёрланиб ишлатилади. Наргис миядаги тиқилмаларни очади ва савдодан келиб чиқадиган рутубатли бош оғриғига фойда қилади. Наргис ёғини кўкракка суртилса, кўкрак-қорин тўсиғидаги қаттиқ ва совуқ шишларни тарқатади. Агар наргиснинг илдизини ўз ҳолича ейилса, кўнгилни айнитади ва қустиради, қайнатмаси ҳам шундай таъсир кўрсатади.

НИЛУФАР. Уруғи ва илдизи яралар учун фойдалидир. Илдизи ичилса ёки қуюқ суртма қилинса, талоқ шишлар учун фойдали бўлади. Илдизини сув билан қўшиб доғни йўқотиш учун қўйилади. Шароби йўтал ва зотилжамга қарши даводир.

ХИНА. Хина гули асаб оғриқларида ишлатилади, фалаж ҳам тортишиш касалликларига қўйиладиган малҳамлар таркибига киради. Ёғи чарчоқни тарқатади, асабларни юмшатади ва суяк синганга фойда қилади. Бош оғриғида сирка билан манглайга суртилади. Шунингдек, оғиз яраларида ва чақаланишида ҳам фойда қилади.

Н.СОЛИҲОВА тайёрлади

Иқтидор

Истиклол эпкинлари билан одамлар қалбига тушган ифтихор уруғлари йиллар оша бир-бир униб чиқа бошлади. Айникса, бу спортда яккол кўзга ташланмоқда. Жаҳон ва Олимпиада ўйинлари чемпионлари, халқаро турнирлар ғолиблари шарафига давлат мадҳиямиз садолари остида юртимиз байроғи ҳар сафар осмон узра кўтарилганда, беихтиёр бахтиёрлик туйғуси жунбушга келади.

ЎЗБЕГИМ БОЛАЛАРИ

Муҳими, бу ғолибона юришлардан ибрат олиб, ҳозиргидан-да зафарли одимларни кўзлаб изма-из келаётган ёш авлод вояга етмоқда. Улар спортнинг барча турларида мавжуд. Айниқса, якка курашда истеъдод эгалари кўп.

"Ёш куч" каратэ клуби президенти, қора белбоғ 4 дан соҳиби Фозил Худойназаров 23 - 25 сентябр кунлари Ўзбекистон кубоги мусобақалари ўтказилишини, ушбу баҳсда шогирдлари ҳам қатнашажагини айтди.

- Ўйлайманки, шогирдларим уялтириб қўйишмайди, - дейди мураббий ишонч билан. - Қолаверса, уларнинг аксарияти кўпгина турнирларда қатнашиб, анча тажриба ҳам тўплашди. Айниқса, куни кеча Бешариқ туманида ўтказилган вилоят ҳокими турнирида муваффақиятли иштирок этиб, ғолиблар сафидан жой эгаллаган Ирода Носирова, Жамшид Абдулбоқиев, Шоҳиста Жўраева, Шерзод Маҳкамов яна ўзларини кўрсатадилар, деган умиддаман.



Мураббий бир неча турнирлар ғолиби Хуршид Тошпўлатов ҳақида алоҳида тўхталди.

- Бўладиган бола, - деди у. - Ҳар бир жангни худди сўнггиси каби астойдил ўтказиши, айниқса, менга ёқади.

М. ИБРОҲИМОВ

Суратда: бир неча турнирлар ғолиби ва совриндори Х. Тошпўлатов.

ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛИ - «ЧЕЛЛЕНЖЕР» ҒОЛИБИ

Вилоят марказидаги «Хумо» мажмуасида олти кун давом этган мукофот жамғармаси 25 минг АҚШ долларига тенг бўлган анъанавий «Челленжер» халқаро турнири баҳслари ниҳоясига етди. Унда 18 мамлакатдан таклиф этилган 32 нафар ракетка устаси ғолиблик учун кураш олиб борди.

Бошқалардан кўра тўғри тактика танлаган Ила Бозолжак (Сербия-Черногория) ва мамлакатимиз вакили Денис Истомин учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, финалда куч синашди. Биринчи сетда юртдошимиз 6:4 ҳисобида устун чиқди. Кейингисида Иланинг омади келди - 6:7. Қўшимча сетда аниқ ҳаракат қилган Денис 7:5 ҳисобида ғалаба қозониб, биринчи ўринни қўлга киритди.

Жуфтлик баҳслари финалида Алексей Кедрюк (Қозоғистон) - Орест Терешчук (Украина) «дуэти» Рокан Боланка (Ҳиндистон) - Им Ку Тай (Жанубий Корея) жуфтлиги билан учрашиб, қўшимча сетдагина ғолибликка эришди.

Мусобақа ғолиб ва совриндорларига мукофот ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

АФАНДИ ТЎҒРИСИДА ФИЛЬМ

Халқ орасида ўзининг ҳозиржавоблиги ва кулгули ҳолатлари билан афсонавий қаҳрамонга айланган Насриддин Афандини ким билмайди дейсиз. У тўғрисида яратилган экран асарлари ҳам томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда.

Ана шундай қувноқ фильмлардан яна бири суратга олинмоқда. «Насриддиннинг иши» деган номда шу яқин кунларда экранларга чиқариладиган бу комик постановкада Афандини янги саргузаштлари ўз ифодасини топади. Бош ролни эса Тошкентдаги «Илҳом» театрининг етакчи актёри Борис Ғафуров ижро этмоқда. Экран асарида томошабинга завқ-шавқ бағишлайдиган шўҳчан тароналар ҳам янграйди. Янги постановка тайёр бўлгач, дастлаб Тошкент ва Москва шаҳарларида кўрсатилади.

Нима учун лайлак кўпинча бир оёқда туради? Толиқиб қолмайдими?

Аниқланишича, лайлак тиззасида бўғинларини маълум ҳолатда бириктириб турадиган махсус клапан бор экан.

Мана шу клапан ёрдами туфайли қуш бир оёқда турса ҳам ҳеч толиқмайди.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Кечалари тинмай учиб юрадиган кўршапалакларнинг биттаси 15 дақиқада таҳминан 175 дона, бутун ёз мобайнида эса 60 мингдан ортиқ чивинни тутиб ейди.

* * *

Швейцариялик бир олимнинг ҳисобига кўра, инсоният тарихида 14 минг 500 марта катта ва кичик урушлар бўлган.

Франциялик олимнинг ёзишича, 8000 та сулҳ шартномаси тузилган.

* * *

Яшин инсониятга кўп зарар келтирган. Масалан, 1966 йилнинг ўзида АҚШда яшиндан 600 киши ҳалок бўлган, 1500 киши жароҳатланган.

Умуман, ўша йили яшин АҚШга 100 миллион долларлик зарар келтирган.

А.АЛИЕВ

Сообщение о существенном факте ОАО «TOSHUYJOYLOYIHA»

Порядковый номер сообщения – 05

– Вид ценных бумаг, а также категория (тип) – простые именные акции

– Дата принятия эмитентом решения о выплате (объявлении) дивидендов по акциям – 25.08.2005г.

– Срок выплаты дивидендов по акциям – с 25.09.2005г. по 25.10.2005г.

– Орган эмитента, принявший решение о выплате (объявлении) дивидендов по акциям – Наблюдательный Совет

– Размер дивиденда, начисленного, выплачиваемого на одну акцию указанной категории (типа) – 17.42 сум.

– Общее количество акций одной категории (типа), по которым начислены доходы (или количество акций категории (типа), по которым выплачены доходы) – 233883 акций.

– Форма выплаты начисленных доходов по ценным бумагам (денежные средства, иное имущество) – денежные средства.

Сообщение о существенном факте ОАО «TOSHUYJOYLOYIHA»

Порядковый номер сообщения – 07

Дата принятия эмитентом решения о дате, на которую составлен список владельцев ценных бумаг – Протокольное решение Наблюдательного Совета ОАО «TOSHUYJOYLOYIHA» от 25.08.05г.

Дата, на которую составляется список владельцев ценных бумаг – 26.07.05г.

ҒАЛАТИ «ЭГИЗАКЛАР»

Бу воқеа 1900 йилда рўй берган эди. Мамлакатини сайр қилиб юрган Италия қироли Умберто Биринчи Моница деган шаҳарда тамадди қилиб олмоқчи бўлди. Қирол кичикроқ бир ресторанга кирганда ўнинг кўзи бир кишига тушди-ю, ҳангу манг бўлиб қолди.

– Исминг нима? – деб сўради Умберто Биринчи.

– Исмим Умберто, жаноби олийлари.

– Ия, адаш эканмиз-ку! Қаерда ва қачон туғилгансиз?

– Турин шаҳрида, 1844 йил 14 июнда.

Қирол ҳам Туринда ўша йили ва ўша куни туғилган эди. Қирол ҳам, ресторанчи ҳам айни бир кунда уйланишган, хотинлари ҳам адаш, ўғилларининг исмиям бир хил экан. Ниҳоят, Умберто Биринчи тахтга ўтирган куни – 1917 йил 8 январда Умберто ўзининг ресторанини очган экан.

Бу ўхшашликларнинг ҳаммаси шу қадар ҳайратланарли эдики, қирол ўзининг бу ғайри одатий эгизагини яна бир кўргиси келди ва уни эртаси куни бўладиган катта спорт мусобақасига таклиф этди. Бироқ уларга иккинчи бор учрашиш насиб бўлмади. Ресторанчи йўлда бир фалокатга учраб, оламдан ўтди.

Бу хабарни эшитган Қирол тақдирига шукрона айтиб:

– Ҳар қалай, одамлар бир вақтда туғилмоғи ва бир-бирига ўхшамоғи мумкин экану, аммо ажал бир вақтда келмас экан, деб турган ҳам эдики, тўсатдан унга суиқасд қилиниб, қирол ўша ернинг ўзида тил тортмай ўлди.

Тарихда бунақанги ҳайратангиз ўхшашликлар учраб туради. Масалан, АҚШ президенти К.Кулижнинг Нью-Йоркдаги ресторанлардан бирида официантлик қилувчи Хотц деган эгизаги бўлган.

Ўттизинчи йилларда яна ўша Нью-Йоркда бир сартарош яшаган. Икки томчи сув бир-бирига қанчалик ўхшаса, сартарош ҳам Муссолинига шунчалик ўхшар экан.

Буюк Британия қироличаси Елезавита Иккинчи билан Норфолк (Англия) шаҳрида яшовчи Филлис Динни ҳам бир-бирига жуда ўхшаш бўлишган.

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши академик Эркин Шайховга фарзанди **ИЛҲОМЖОН**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 00.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 7765 Буюртма Г— 616 23456